



Ислом Нури

Эртага, не қилдинг, дея сўралар бу жон,

Ахир экканин ўради-ку, ҳар бир инсон.

Яхшилик қилганнинг ўзига яхши,

Ёмон бўлганларнинг аҳволи ёмон.

Сочимга оқ оралади. Мана, элликка ҳам яқинлашиб қолибман.
Мутоалага қизиқишимга қарамай, ўқиш учун вақт етишмай қолмоқда.
Дунё зийнатлари мендан ўқиш лаззатини тортиб ола бошлади. Мана
бу келаётган ўғлим, униси набирам, унга қараб тўймайсан. Ҳаёт ўзим
орзу қилганимдек ўтиб боряпти. Унинг софлигини ҳеч нарса булғай
олмайди.

Мана дам олиш куни ҳам ниҳоялади. Зиёратлар ва хурсандчлик билан
ўтган бу узун кундан кейин ўғилларим, қизларим ва набираларим
билан хайрлашдим. Ичимда оғир бир туйғуни сездим...

Бу дунёнинг ишлари қизиқ...

Жамланиш ва ажралиш...

Ҳамма кетади...

Бу дунёнинг ёлғиз ўзи қолади...

Бирдан сесканиб кетдим-да, ўнгу чапга қарадим...

Доим кўзим тушадиган кичик китобчалар тўплами. Шубҳасиз, уларни



Ислом Нури

кичик қизим териб қўйган. У вақти- вақти билан уларни менга ҳадя қилиб, мени уларни ўқишга қизиқтириб туради.

Бу “Эрталаб ва кечқурунги дуо-зикрлар” китоби.

Бу эса “Мусулмоннинг кудалик озуқаси” деган китоб.

Ҳўш, яна нима бор экан?...

Ҳа, мана, бу кичкина китоб, бор йўғи тўрт саҳифа экан. Уни ўқишга тўрт дақиқа кифоя. Уни қўлимга олдим ва тезда ўқиб чиқдим.

Бошим айланиб кетди...

Паст овозда ўзимга ўзим дедим...

Ювилмайман...

Кафанланмайман...

Менга жаноза ўқилмайди...

Мусулмонлар қабристонига дафн қилинмайман...

Кейин нима бўлади?...

Ёшим эллиқда бўлса, ҳаётим мана шундай якунланадими?!

Йўқ!...

Китобни қайта ўқийман...



Ислом Нури

Унинг номи “Намозни тарк қилувчи кишининг ҳукми”.

...Намозни тарк қилган одам кофир!

Наҳотки, шунча умрдан кейин кофир деб сифатланаманми-а!

Узоқдан гўё бир овозни эшитаман. «Нимага «йўқ» экан»?

Ўқишда давом этаман...

Намозни тарк қилувчига тааллуқли масалалар:

Биринчидан: унга қиз бериш дуруст эмас. У намоз ўқимайдиган ҳолатида никоҳ ўқилса, бу никоҳ ботил ва хотин унга ҳалол бўлмайди.

Иккинчидан: агар у никоҳдан кейин намозни тарк қилса, унинг никоҳи бекор бўлади ва хотини унга ҳалол бўлмайди.

Учинчидан: намоз ўқимайдиган киши ҳайвон сўйса, уни ейилмайди. Нима учун? Чунки, у ҳаром. Аммо яҳудий ёки насроний бир ҳайвонни сўйса, унинг сўйгани биз учун ҳалол.

Тўртинчидан: Унга Маккага ёки Макка ҳарамининг ҳудудига кириш мумкин эмас.

Бешинчидан: агар унинг қариндошларидан биронтаси ўлса меросдан маҳрумдир.

Олтинчидан: агар у ўлса, ювилмайди, кафанланмайди, унга жаноза ўқилмайди ва мусулмонлар билан бирга бир жойга дафн қилинмайди. Унда нима қилинади? Уни даштга олиб чиқилади ва бир чуқур



Ислом Нури

қазилиб, кийимлари билан дафн қилинади, чунки унинг ҳурмати йўқ.

Демак, кимнинг уйида бир киши вафот қилса ва у унинг намоз ўқимаслигини аниқ билса, унга жаноза ўқиттириш учун уни муслмонларнинг олдига қўйиши мумкин эмас...

Мен гўё воқеълик тушини кўраётгандекман...

Китобни бир четга қўйиб бошимни икки қўлим билан қаттиқ қисдим.

Бир дона оқ соч узилиб тушди...

Унга қарадим...

Мана шу оқ сочдан кейин- а, ювилмайман, кафанланмайман ва менга жаноза ўқилмайди?!

Шуми, менинг ниҳоям?!

Шуми, менинг дунёда эришган нарсам?!

“Ё А л л о о о ҳ !”

Ич-ичимдан мана бу сўз отилиб чиқди: Бу менинг ниҳоямми?!

Биз ғофиллар қаерларда юрибмиз, ўзи! Шубҳасиз мен эътиборсизман, балки бепарвоман. Наҳотки, эллик ёшга кирибману биронта насиҳатгўй топмаган бўлсам?! Бу кимнинг вазифаси эди, ахир?!

Ўтган кунларимни тавба ёшлари билан ювдим. Ҳар бир хато қилувчи кишига насиҳатгўй бўлишга аҳд қилдим.



Ислом Нури

Истиқбол | 5

Ўрнимдан сапчиб турдим...

Бир кун менга жаноза ўқилади...

Иншааллох, муслмонлар билан дафн қилинаман”.